*Олий Мажлис сессияси олдидан*

# САЛОМАТЛИГИМИЗ КАФОЛАТИ

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи сессияси кун тартибига «Экологик экспертиза тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси киритилганлиги табиатни муҳофаза қилиш ишлари билан шуғулланадиган мутахассислар учун айни муддао бўлди. Мен бу фикрни бежиз ғурурланиб тилга олганим йўқ. Чунки шу пайтгача мутахассисларимиз, экспертларимиз қўлида корхона, ташкилотларда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни, кимё, нефт саноати корхоналарининг чиқиндиларини текшириш, экспертизадан ўтказиш учун ҳуқуқий асос, ҳужжат йўқ эди. Шу сабабдан тўсқинлик, иншоотларга киритмаслик ҳоллари тез-тез учраб турарди.

Тўғри, бундан саккиз йил аввал қабул қилинган «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунда экологик экспертиза хусусида алоҳида модда бор. Лекин бир моддада катта ҳажмдаги масалаларни қамраб олиш қийин. Бизнингча, экологик экспертизага Давлат мақоми берилса, нур устига нур бўлади. Шунда биз учун хўжалик ёки бошқа турдаги фаолиятларнинг экологик жиҳатдан қай даражада хавфли эканлигини аниқлаш, бу ишларнинг табиат муҳофазаси тўғрисидаги қонунлар талабларига қанчалик мувофиклигини баҳолаш, лойиҳаларда назарда тутилаётган тадбирларнинг қай даражада етарли ва асосли эканлигини аниқлашда катта, кенг имкониятлар яратилар эди.

Яқин вақтларгача экологик экспертиза деган атама фақат тор доирадаги мутахассисларгагина тушунарли эди, холос. Ҳолбуки, ривожланган мамлакатларда мазкур тушунча турмуш тарзининг узвий қисмларидан бирига айланиб қолган. Очиғи, совет тузуми даврида бундай қонун ҳақида ўйлаб ҳам кўрилмаган. Шу сабабдан ҳам вилоятимизнинг Қиргули туманида нефт ва кимё саноатининг 5-6 та корхонаси жамланиб қолган. Эндиликда бундай ҳолатга асло рухсат этилмайди. Шу талаблар янги қонун лойиҳасида ўз ифодасини топади, деб ўйлайман.

Шунингдек, мен қонун лойиҳасида республикамизда халқ хўжалик тармоқларининг ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш, ривожлантиришда атроф-муҳитга етказилиши мумкин бўлган таъсирларнинг олдини олиш, атроф-муҳитга ўтказилаётган таъсирни баҳолаш сингари ўта муҳим масалалар ҳам акс этишини истар эдим. Агар аудит хизмати, экологик сертификат, мувофиқлик ҳақ-ҳуқуқи сингари масалалар ҳам ечимини топса, шубҳасиз, етиштирилаётган ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг экологик жиҳатдан тоза бўлишига эришишда муҳим қадам қўйилган бўлар эди.

**Собиржон ЖАКБАРОВ,**
**Фарғона вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раиси.**

# БИЗНИ ХУШНУД ЭТДИ

Олий Мажлиснинг иккинчи сессияси муҳокамасига «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳрирдаги лойиҳаси киритилаётгани шу соҳанинг вакили сифатида мени бениҳоя хушнуд этди. Чунки мазкур қонун бундан саккиз йил муқаддам қабул қилинган эди. У мамлакатимизда, хусусан, Сурхондарё вилоятида жисмоний тарбия ва спортнинг ривожланиши учун чинакам маънода ҳуқуқий асос сифатида хизмат қилди. Ўтган давр ичида юртимизда жисмоний тарбия ва спортнинг оммавийлигини таъминлаш, янги спорт иншоотларини бунёд этиш иқтидорли спортчиларни тарбиялаш, уларнинг маҳоратини ошириш, ўзбек спортини халқаро миқёсга олиб чиқишда улкан қадамлар босилди. Ўзбек курашини бутун дунё тан олди. Спортчиларимиз кўплаб халқаро мусобақаларда Ватанимиз байроғини баланд кўтардилар.

Оддий қишлоқ йигитлари манаман деган жаҳон спортчилари билан тенгма-тенг беллашмоқдалар. Кўп узоққа бормай, ўзимизнинг туманни олайлик. Ўрол Тўраев деган паҳлавон ўзбек кураши бўйича ат-Термизий халқаро хотира турнирининг бош совриндори бўлди. Оққарчиғай қишлоғидан 75 ёшли чавандоз Қурбон Холмуродов халқаро тоифадаги спорт устаси унвонига сазовор бўлди. Ҳозир туманимиз аҳолисининг ҳар учтадан биттаси спорт билан шуғулланмоқда.

Вақт — ҳакам, дейишади. Вақт ўтиши билан ҳамма нарса ўзгаради, янгиланади. «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳрирдаги лойиҳасининг сессия муҳокамасига киритилаётгани ҳам фикримиз исботидир. Ушбу қонун қабул қилингандан буён қанча нарса ўзгарди, айрим спорт турларимиз жаҳон миқёсига чиқди, янги тартиб-қоидалар жорий этилди. Шунингдек, айниқса қишлоқ жойларида айрим муаммолар пайдо бўлгани, унинг ҳуқуқий ечимини топиш зарурати туғилгани ҳам ҳеч кимга сир эмас.

Янги таҳрирдаги лойиҳа ёки унга асосланган ҳужжатларда жисмоний тарбия ва спортга маблағ ажратиш ҳақидаги бандда хўжаликларда, ташкилотларда, ўқув юртларида спортнинг оммавийлигини таъминлаш учун унга ажратилиши лозим бўлган маблағларнинг манбаи аниқ-ойдин кўрсатиб ўтилиши лозим, деб ўйлайман. Чунки спорт анжомларини олиш, мусобақаларда спортчиларимизнинг иштирокини таъминлаш чоғида биз кўпинча ҳомийлар марҳаматига умид боғлаб турамиз. Баъзан эса ҳомийлар бизга вақтида ёрдам кўрсатолмай қолишлари мумкин.

**Пўлат ЗИЁДУЛЛАЕВ,**
**Қумқўрғон тумани жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси.**

**Европада чиқадиган "Trade Finance" иқтисодий журнали ҳар йили жаҳондаги етакчи банклар ўртасида ўтказиладиган сўров асосида "Йилнинг энг яхши битимлари"ни аниқлайди. 1999 йил якунларига кўра, улар қаторига йирик молия институтлари – Франциянинг Сосьете Женераль банки ва Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки ўртасида тузилган битимлар ҳам киритилган. Журнал экспертлари бу битимлар Марказий Осиё минтақаси учун ўзига хос ноёб хусусиятга эга эканини қайд этдилар.**

# «ЎЗБЕКИСТОН ЭНГ ЯХШИ ҲАМКОРИМИЗ»

"Бу битим оддий, дастлабки қайта молиялаш битимидан анча устунликка эга" – мутахассисларнинг қисқача баҳоси ана шундай. Унинг асосий хусусияти мамлакатимиз банк амалиёти тарихида Ўзбекистонда олтинни дастлабки қайта молиялаш борасидаги биринчи битим эканидадир. Шуни қайд этиш лозимки, Европада битимда иштирок этиш учун талаб жуда юқори бўлди. Унда 25 миллион АҚШ доллари миқдорида улуш қўшган Сосьете Женераль банкидан ташқари, Коммерцбанк, DG Bank, Natexis, BNP ва Nord-deutsche, Landesbank, шунингдек, CCF, NM Rothschilds ва Sanwa Bank ҳам қатнашганини айтиш кифоя.

Битим техник жиҳатдан жуда мураккаб бўлишига қарамасдан, Сосьете Женераль вакиллари бу молиявий операцияни ўз ютуқлари қаторига киритади ва бундай битимлар келажакда жаҳон банкларининг мамлакатимиз билан ҳамкорлигида кенг қўлланилиши мумкинлигига ишонади.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки ва Сосьете Женераль банки ўртасида жаҳондаги йирик қишлоқ хўжалиги техникаси ишлаб чиқарувчилардан бири – "Кейс" корпорациясининг комбайн ҳамда тракторларини Ўзбекистонга етказиб беришни молиялаш тўғрисидаги битим ҳам "Trade Finance"нинг юқори баҳосига сазовор бўлди.

Битимда Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкига ҳамкор бўлиш учун Сосьете Женералдан ташқари иккита Америка банки ва битта Европа банки даъвогар эди. Бироқ Франция молия ташкилоти экспорт кредити ва тижорат қарзини ўз ичига олган энг жозибадор молиялаш пакетини таклиф этиб, бўнак тўловини 15 фоизлик молиялашни ташкил қилди. Бундан ташқари, Сосьете Женераль биз томондан белгиланган муддатга мувофиқ, анча тез ишлади. Бир нечта, жумладан ABN Amro, WestLB, Credit Agricole Idosuez сингари ва бошқа банклар иштирок этгани ҳисобга олинадиган бўлса, бу битим ҳар икки давлат банкирлари учун яхши тажриба мактабини ўтагани аён бўлади.

"Бу битим бизнинг асосий мижозларни қўлга киритиш борасидаги узоқ уринишларимизнинг энг юқори самарасидир", – дейди Сосьете Женералнинг Нью-Йоркдаги экспортни молиялаш департаменти ходими Жульен Роман. Асосий мижозлар деганда, АҚШнинг "Кейс" корпорацияси ва Марказий Осиё молия бозорида етакчи ўринни эгаллаган Ўзбекистон Миллий банки назарда тутилмоқда.

Француз банкирлари тузилган битимларнинг техник ва стратегик томонларидан ташқари, Ўзбекистон Миллий банки билан музокаралар жараёнига ҳам юқори баҳо бермоқда. Уларнинг фикрича, музокаралар юритишнинг ўзбекча усули жаҳондаги энг мукаммал усуллардан биридир. Кейинги битим натижаларидан "Кейс" корпорацияси мутахассислари ҳам катта қониқиш ҳосил қилди. Уларнинг фикрича, Ўзбекистон Миллий банки битимни амалга ошириш учун энг яхши банк хизматлари провайдерини танлаган. Case Europeнинг Париждаги молиявий менежери Елена Ганнаш "Ўзбекистон энг яхши ҳамкорларимиздан биридир", деб қайд этди.

**Оксана ЗАДУНАЙСКАЯ,**
**ЎзА мухбири.**

*Иш билганга – минг танга*

**Пойтахтнинг Бектемир туманидаги полимер-зовур буюмлари корхонасида газ ва сув тармоқларига мўлжалланган 25,50,100 диаметрли полицерин қувурлар тайёрлаш йўлга қўйилди.**

# БЕКТЕМИРНИНГ ПОЛИЦЕРИН ҚУВУРЛАРИ

Илгари бу корхона қишлоқ хўжалиги учун дренаж фильтрлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган эди. Сўнгги пайтларда бундай турдаги маҳсулотга талаб кескин камайиб кетганлиги боис, унинг молиявий фаолиятида бир қатор муаммолар юзага кела бошлади. Натижада ишчи-хизматчиларни ойлик маошлар билан таъминлаш қийин масалалардан бирига айланиб қолди.

— Ҳатто айрим малакали ходимларимиз ҳам ишдан кета бошладилар, — дейди корхона раҳбари Шароф Йўлдошев. – Жамоамизни тўлиқ сақлаб қолиш, корхонани қайта оёққа турғазиш учун талаб ва эҳтиёжга қараб маҳсулот турини ўзгартиришга қарор қилдик. Шу мақсадда қисқа муддат ичида мавжуд технологиялар полицерин қувурлар ишлаб чиқаришга мослаштирилди. Хомашё асосан фирмалардан харид қилинмоқда. Шунингдек, корхона ва ташкилотлардан муддати ўтган, яроқсизга айланиб қолган полицерин қувурлар сотиб олиниб, уларни қайта ишлаш асосида янги маҳсулот тайёрланаяпти.

Шуни айтиш керакки, полицерин қувурлари жуда ҳам харидоргир. Сабаби – улар сифати ва бардошлилиги жиҳатидан темир қувурларга нисбатан бирмунча устун туради. Агар оддий темир қувурлардан нари борса 10-15 йил фойдаланилса, полицерин қувурларни 25-30 йилгача ишлатиш мумкин. Буни яхши англаб етган мижозларимиз ҳатто узоқ вилоятлардан ҳам келиб харид қилишмоқда. Энг муҳими эса, корхонамиз ана шу янги маҳсулот туфайли оёққа туриб олди.

Яна бир гап. Қарийб учтўрт йилдан буён Шароф ака қўшма корхона очиш тараддудида юрарди. Унинг орзуси, ниҳоят, амалга ошадиган бўлди. Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва италиялик тадбиркорлар ҳамкорлигида Низом жамғармаси 780 минг АҚШ долларилик қўшма корхона қурилмоқда. У тўлиқ ишга тушгач, ҳар йили 60 минг дона эшик-ром тайёрланади. Бу маҳсулотларнинг бир қисми Ҳамдўстлик давлатларига экспорт қилинади. Бундан, тахминий ҳисоб-китобларга кўра, корхона йилига 500 минг доллар миқдорида даромад олади.

Айни кунларда бектемирлик тадбиркорлар хорижлик ҳамкорлар ёрдамида полицерин қувурлар сифатини жаҳон андозалари даражасига етказиш йўлида изланмоқдалар.

**Б.ОСТОНАҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# АҲДИ БОРНИНГ — НАҚДИ БОР

*Ўтган йили пойтахтдаги «Суффа» Ўзбекистон — Америка қўшма корхонаси жамоаси 630 тонна қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарган эди. Бу йил эса улар янада кўпроқ миқдорда ширинликлар тайёрлашга аҳд қилишган. Шу мақсадда ҳар куни 5-6 тонна печенье, мармелад, зефир сингари ўнга яқин турдаги маҳсулотлар эл дастурхонига ҳадя этилмоқда.*

*Қўшма корхона раҳбари Улуғбек Нусратовнинг таъкидлашича, ҳозир мутахассислар маҳсулотларни қадоқлаш жараёнини замонавийлаштириш устида изланмоқдалар. Бу иш ниҳоясига етса, ширинликларни ҳатто Ҳамдўстлик мамлакатларига ҳам экспорт қилиш имкони яратилади.*

**СУРАТДА: қандолатчилар (чапдан) Нилуфар Султонова ва Дилором Камолова тайёр маҳсулотларни намойиш қилмоқдалар.**



Х. МИРЗАКАРИМОВ олган сурат.

# «МУБОРАК» ЖАВОҲИРИ

**Шу кунларда Қашқадарёда каттаю кичикнинг кўзи осмонда: кўкда бир парча булат пайдо бўлса, юраклар бир ҳаприқиб, ёмғир томчилашини кутишади. Баҳорнинг қурғоқчил келиши ҳаммани ташвишга ва алоҳида бир ҳаракатга солиб қўйган.**

— Бу баҳор бир жиҳати — қурук келиши билан минг тўққиз юз саксон олтинчи йил кўкламига ўхшаб кетади, — дейди «Муборак» қоракўл наслчилиги жамоа ширкат хўжалик бошқарувининг раиси Ҳайитбой Оқмаматов. — Қурғоқчилик оқибатини ўша паллалардаги раҳбарлар ўзларига хос «ҳал» қилишган. Деярли юз минг бош қўйни қўшни вилоятга сувтекинга сотиб юборишган...

Муаммони ҳал қилишга бундай енгил-елпи ёндошувнинг оқибатларини Самандар Норбоев, Қурбон Оймаматов, Чўли Қуллиев, Рўзибобо Тоиров каби кекса чўпонлар ҳали-ҳануз унутишгани йўқ. Ўшандан кейин неча мавсум Қашқадарёнинг катта-катта яйловларида чўпонларнинг «курей-курей»лари, най наволари эшитилмай қолди. «Муборак» ҳам қийинчилик билан оёққа турди. Фақат мустақилликкина қўйчиликни, хусусан, қоракўлчиликни қайта тиклаш саъй-ҳаракатларига янгича мазмун ва суръат бағишлади. Давлат мадади, хўжалик чорвадорларининг бедор ўтказган туну кунлари эвазига яйловлар қайта жонланди. 1995 йилга келиб, ёлғиз шу хўжаликнинг ўзида қўй-эчкилар сони 60 мингдан ошди. Отарларда сара совлиқлар 32 минг бошга етди. Хўжаликда қоракўлнинг ноёб «Муборак» типи яратилди.

Энг муҳими, чўпончўлиқларнинг тадбиркор, уқувли, жонкуяр янги авлоди тарбия топди. Икромжон Оймаматов мана шу навқирон авлод вакили. Қурбон ака пенсияга чиққач, чўпонлик таёғини шу ўғлига топширганига ҳам беш йил бўлаяпти. Ота тажрибасига таяниб, чорвадор мутахассислар маслаҳати билан йилига отарини қўшлашни — бир отардан икки отар пайдо қилиш илмини ўрганди. Ўтган йили ҳар юз совлиқдан 125 бошдан соғлом қўзи олди. Уларнинг 85 фоизини ўстирди. Йил охирида 600 бошли янги отар пайдо бўлди.

— Бугунги кунда меҳнат қандай қадрланишини ҳам кўрдим, — дейди Икромжон. — Ўтган йил якунларига кўра вилоят ҳокимлиги мени «Тико» автомашинаси билан тақдирлади.

Ёш чўпоннинг бу йилги иш натижалари ҳам чакки эмас. Отаридаги 821 бош қўйни қишловдан чиқимсиз олиб чиқди. Ҳар юз совлиқдан ҳозиргача 110 қўзи олди. Отарга 698 бош ёш туёқ қўшилди...

Хўжалик иқтисодчиси Ёрмурод Худаев билан суҳбатимиз, айниқса, мароқли бўлди. Оқсоқолнинг сочи чўт қоқишда оқарган.

— Мана бу папкаларингизни янгилаб олсангиз бўлмайдими? — ҳазиллашади вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Норбой Элмуродов.

— Янгини эски асрайди, биродар, — деди Ёрмурод ака кулиб. — Бу папкалар қанчалик титилса, хўжалигимиз шунчалик бой бўлади.

Худаев билан суҳбат пировардида «Муборак»нинг сўнгги беш йилги иқтисодий манзараси кўз ўнгимизда гавдаланди-қўйди. Тўқсон бешинчи йили хўжаликда 35 минг бош қўзи олинган. Ўртача 45 кило тош босувчи қўйлар гўштга топширилган, жами 890 тонна гўшт етиштирилган. 9 минг дона сифатли қоракўл териси сотилган. Кейинги йиллари ҳам ҳар юз совлиқдан 105-110 бошдан қўзи олиб келинган. Йиллик жун деярли 100 центнер кўпайган. Таннарх арзонлаштирилиши эвазига тушум кўпайиб, соф фойда ошган. Ўтган йилни хўжалик 16 миллион 800 минг сўм фойда билан якунлаган.

Бу кўклам натижалари ҳам қувонарли. Шу кунларда Муборак яйловларида хўжаликнинг 77 минг 279 бош қўйқўзиси боқилаяпти. Бу режалаштирилганидан 42,2 фоиз ортиқ, совлиқлар ҳам 6,4 фоиз кўпайтирилган. 1 мартгача 21 минг 315 бош қўзи олинди. Унинг 91,2 фоизи

**Қоракўлчилик: тажриба ва муаммолар**



ўстиришга қолдирилди. Апрелда уларга яна 4 минг қўзи қўшилди. Биринчи чоракда давлатга 158 тонна гўшт сотилди. Қоракўл териси 5 минг донага етди. Хўжаликда йилқичилик ва туячиликни ривожлантириш ҳам алоҳида эътиборда.

«Муборак»нинг мустақиллик йилларидаги одимлари шундай залворли, самарали. Лекин бу — хўжаликнинг муаммолари асло йўқ деган сўз эмас. Бозор иқтисодиёти муносабатларига хос тамойиллар бу хўжаликнинг молиявий-иқтисодий фаолиятига ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда. Чунончи, ёқилғи-мойлаш материаллари, ем тобора қимматлашиб бораяпти. Табиийки, бунинг натижаси транспорт харажатлари ҳаддан ортиқ кўтарилишига олиб келаяпти.

Қоракўл тери таннархи билан сотиш нархи орасидаги фарқнинг сезиларли эмаслиги – иккинчи бир муаммо. 1995 йили бир дона қоракўл териси хўжаликка 201 сўму 97 тийинга тушди. Хўжалик эса уни 202 сўму 38 тийинга сота олди. Кўриб турибсизки, ҳар дона тилларанг қоракўл хўжаликка... 41 тийин «фойда» келтирган. Ўша йили 9004 дона қоракўл олинганлигига назар ташланса, хўжалик бу соҳадан қандай самара кўрганлиги аён бўлади. Ёки ўтган йилги натижани олиб кўрайлик. Хўжаликда 8920 дона қоракўл тайёрланиб, таннарх билан сотиш баҳоси орасидаги фарқ бор-йўғи 130 сўмни ташкил этди. Мутахассислар қоракўлнинг сотилиш нархини бозор муносабатлари тамойили асосида ошириб бориш лозим деб ҳисобламоқдалар.

Яйловларнинг ҳолатини яхшилаб бориш, улардаги фойдали ўт-ўланларни сақлаш ва кўпайтириш қоракўлчилик истиқболига бевосита таъсир кўрсатувчи ғоят жиддий омилдир. «Муборак»ка тегишли ер майдонлари 238,8 минг гектарни ташкил этади. Унинг деярли 93 фоизи — яйловлар. Ер ости бойликларини қидириш, очиш ва ундан фойдаланиш оқибатлари — техноген жараёни чорва яйловларига кўрсатаётган салбий таъсирлар хусусида кўп ёзилган. Чўлни ўзлаштириш ва суғориладиган деҳқончилик жараёни Муборак яйловларини зах босиб кетишига олиб келмоқда. Бугунги кунда ёлғиз шу хўжаликнинг ўзида шўр босиб, яйлов учун яроқсиз ҳолга тушиб қолган ерлар 30 минг гектардан ортиқ. Уни тартибга солиш, яйлов самарадорлигини кўтариш учун йирик зовурлар қазиш, мелиоратив ҳолатни яхшилаш талаб қилинади. Бу юмушлар ёлғиз шу хўжалик имкони даражасида эмас, албатта. Баҳорнинг қурғоқчил келиши қоракўл наслчилиги билан шуғулланаётган «Муборак» жамоа-ширкат хўжалиги чорвадорлари учун ҳам қатор янги муаммолар келтириб чиқармоқда.

– Илм намояндалари, тажрибали чорвадорлар билан кенгашиб, саксон олтинчи йилнинг армонли сабоқлари такрорланмаслиги чораларини кўрмоқдамиз, – деди хайрлашаётганимизда Ҳайитбой Оқмаматов. – Энг муҳими, вилоят салмоқли ёрдам кўрсатаяпти. Уч-тўрт кун ичида бир минг тоннага яқин тўйимли ем олдик. Имкони бўлганича сомон, янтоқ-шувоқ жамғарамиз. Чўпонларимиз отарларни чиқимсиз сақлаш ҳаракатини кўришаяпти.

Бугун яйловларда жон зоти борки, кўзи кўкда. Осмондан тушувчи ҳар дона томчи ўт-ўланни селкиллатиб, чўпон-чўлиқ нафасини енгиллаштираётир. Табиат билан инсон орасидаги боғлиқлик нақадар катта эканлигини қашқадарёликлар бугун ҳар қачонгидан да кучли ҳис этишяпти. «Муборак» қадамлари ҳам кўп жиҳатдан шу алоқадорлик билан белгиланади. Чўлдан қайтар эканмиз, Рўзибобо, Чўлибобо сингари умри яйловда ўтган мўйсафидлар дуога қўлларини очиб, Яратгандан неъматини аямаслигини, оби раҳматни яйловларга мўл-мўл тўкишини сўрашди. Иншоолло, яйлов оқсоқолларининг сўрову ниятлари вожиб бўлғай.

**Жўра САЪДУЛЛАЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ИШ ҲАҚИГА... СПИРТ

*Солиқ тизимида*

Спирт сотаётган хушрўйгина корейс аёлини бир зумда хушчақчақ йигитлар ўраб олишди.

– Ҳар литри 1200 сўмдан экан. Арзон-да. Ундан бемалол уч шиша ароқ тайёрласа бўлади, — дейишади улар.

Йигитларнинг бири 6000 сўм бериб беш литр спиртни елим идишларга қуйиб олди. Яна кимдир бир ярим литрлик идишни тўлдирди. Шу тариқа корейс аёли олиб келган спирт бир зумда эгаларини топиб кетди.

– Заводимизда иш ҳақи учун пул бериш аллақачон йўқ бўлиб кетган, – дейди спиртфуруш аёл. – Бош муҳандисимиз Раҳимжон Нажимов 1999 йилнинг декабридан ишчиларга маош ўрнига спирт тарқатиб келаяпти. Мен ҳам ўтган ойларда маош ўрнига олган спиртларимни сотиб пулини рўзғорга ишлатаяпман. Бугунги савдо чакки бўлмади.

Уёқ-буёққа қараймиз. Тўйтепа шаҳри атрофида спирт заводи кўринмасди. Корейс аёли спиртни қайси корхонадан олди экан?

– Корхонамиз Тўйтепа металл қурилмалари заводининг ҳовлисида жойлашган, — дейди у. – "Бахт" хусусий корхона сифатида Ўрта Чирчиқ туман ҳокимининг 1994 йил 30 ноябрдаги қарори билан ташкил этилган эди. Лекин 1998 йилнинг ўрталарига келиб қандайдир сабаблар билан ҳоким қарорига кўра ёпилди. Лекин ишсиз қолмадик.

Тугатилган корхона раҳбарлари Тўйтепа металл қурилмалари заводидан ижарага олинган бинони таъмирлаб, спирт маҳсулоти ишлаб чиқаришга мослаштиришган эди. Шу боисдан корхона тугатилган бўлсада, спирт ишлаб чиқариш яширинча давом этаверди. 82,2 тонна спирт хомашёси (меласа) қайта ишлашга қўйилди. Ундан чиққан тахминан 5 тонна спирт ҳозир омборда турибди.

Тошкент вилояти ва Ўрта Чирчиқ тумани солиқчилари спирт хомашёси ҳамда тайёр спирт маҳсулотининг ҳужжатларини сўрашганида номсиз корхона вакиллари бир зум довдираб қолишди. Кейин Тўйтепа шаҳар, Учқун кўчаси, 34-А уйда жойлашган "Қалдирғоч-Биохим" хусусий корхонаси томонидан "Хоразмшакар" корхонасидан сотиб олинган спирт хомашёсининг ҳужжатларини кўрсатишди. Лекин улар орасида спирт ишлаб чиқариш ҳуқуқини берувчи махсус рухсатнома – лицензия йўқ эди. Демак, махфий корхона давлат стандарти кўригидан ўтмаган, яширин ҳолда спирт ишлаб чиқараётган экан. Корхона раҳбари Шуҳрат Йўлдошев шундан кейин тилини тишлаб қолди.

Ҳозир солиқчилар турли хил қонунбузарликларга йўл қўйиб, энди эски изларни йўқотмоқчи бўлган собиқ "Бахт" ва "Қалдирғоч-Биохим" хусусий корхоналари раҳбарлари фаолиятини шошилмай ғалвирдан ўтказишаяпти. Устамон "тадбиркор"ларнинг кўзлари бежо. Улар хуфя корхонани ташкил этишга ҳисса қўшган акахон ва укахонларидан мадад кутишаяпти. Лекин мададкорлар учун сичқоннинг ини минг танга бўлиб турган бир пайтда ҳар ким ҳам юрак ютиб ёрдам қўлини чўзавермаса керак. Ҳатто унинг қўли бошқаларникидан узунроқ бўлса ҳам...

**Ж. НОСИРОВ,**
**Давлат солиқ қўмитаси матбуот хизмати раҳбари.**

